


Normal 0 false false false MicrosoftInternetExplorer4



Бисмиллахири Рохманири Рохийми

Аллох таоло Ўз вахийси химоясига мургак калбларни танлар экан, Куръони Каримга бўлган мухаббатимиз яна ортади... Нега Аллох таоло олдин келган самовий китобларини инсонлар томонидан ўзгартирилиши, бузиб талкин килинишидан химоя этмади, лекин улардан фаркли ўларок охириги дин – Ислом динининг дастури Куръоннинг химоясини Ўз зиммасига олди?

Ажиб савол. Бошка дин вакилларининг мусулмонларга нисбатан хасадини кўзгайдиган савол. Унинг жавобини куйида билиб оламиз, шу билан бирга, Аллох таоло Куръони Каримни хар турли ўзгаришлардан химоялаш учун тузиб кўйган ажойиб дастурдан ҳам хабардор бўламиз:

Куръон шундай химоядаки, Само амини (яъни Аллох таолога энг якин, ишончли фаришта) Жаброил (алайхиссалом) ер юзидаги энг ишончли, омонатдор Зот Мухаммад

(соллаллоху алайхи васаллам)га уни олиб тушди. Карийб ўн беш асрдан буён Аллох таоло ер ахлига уни мерос килиб колдираёттир. Аллох таоло Ўз каломи Куръонни кучли химояланган музей ёки архивга эмас, балки уммий Пайгамбар ва унинг умматидан киёмат кунигача етадиган омонат кутиларига жойлади ва Ўзининг «Албатта, зикри биз нозил килдик ва албатта, уни мухофаза килурмиз», деган ваъдасини юзага чиқариш учун инсониятга боглик сабабларни жорий килди. Хам Борий таоло Ўз кудрати ила бу улкан илохий дастурни хали балогатга етмаган, хатто олти ёшга хам тўлмаган, Куръонни ёдлаб уни кўз ёшу мунгли оханг, мухаббату сурур ила тиловат киладиган, калби завку шавк-ла тошган мургак жонларнинг покиза калбларига жо айлаб қўйган!

Бу хабарни эшитганда хокиму хоконлар бу улуг мартабани тортиб олгилари келиши аниқ. Тарихга назар солсангиз, гапларимизнинг тасдигини топасиз.

Узокка борманг, ўз мазхаббошимиз Абу Ханифа (рахматуллохи алайх) хам олти ёшда Куръонни тамоман ёд олган, хадис илми султони Имом Бухорий (рахматуллохи алайх) эса тўккиз ёшларида Мусхафни хатм килган эдилар.

Соф ва мургак калб эгалари хар канча машаккату захматлар чекмасинлар, Аллохнинг кудрати ила илохий Каломни ёд олишга ахд килдилар, шахд килдилар! Холбуки, рохиблар ёхуд бошка дин пешволари ўз ибодатхоналарида ўн йиллаб чилла саклайдилар, бироқ бузиб кўрсатилган китобларидан бирор кисмини хам ёд олмайдилар. Албатта, бу хам Хак субханаху ва таолонинг Ўз китоби химояси учун ирода килган услубидир. Бу бир томондан уммати Мухаммаднинг «Эшитдик ва итоат этдик» дея берган ваъдаларига вафонинг бир кўриниши бўлса, бошка томондан Аллох мухофаза килишни буюрганига карамай, ўзларига берилган илохий китобларни ўзгартириб, нафсларига мослаштиришга уринган кавмлардан устунликнинг олий намунасидир! Хамда Куръони Каримга бўлган буюк мухаббатнинг ифодасидир!

Адашганлар танлаган йўл ва эришмокчи бўлган нарса канчалар ёмон. Тангри таоло барчамизни Каломининг мухофазачиларидан айласин!

*Салоҳиддин Ўрмонбек ўгли таржимаси*

